



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАР ТАРҚАЛИШИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Каримов Абдумалик Абдумутал ўғли
Мустақил тадқиқотчи

Анотация *Мазкур мақолада ижтимоий тармоқларда диний экстремистик ғояларнинг тарқалиши: роли аҳамияти, тушунча ва моҳияти акс этган.*

Калит сўзлар: *терроризм, экстремизм, жамият, хавфсизлик.*

Аннотация *В статье рассматривается распространение религиозных экстремистских идей в социальных сетях: роли и их совокупное и контекстуальное значение.*

Ключевые слова: *терроризм, экстремизм, общество, безопасность.*

XXI аср ахборот асри деб эътироф этилаётгани бежиз эмас. Инсоният тарихида маълумотнинг муҳимлик даражаси бу каби юқори чўққиларни забт этмаган эди. Инсонларни янги билимларни эгаллашга қизиқиши тобора ортиб бораётган глобаллашув жараёнида ижтимоий онгни захарлашга қаратилган тажовузлар, мамлакатнинг ахборот бошқарувини издан чиқаришга уринишлар тобора ортиб бормоқда. Бунда ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам ғоявий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай жараёнларни амалга оширишда эса “кибермакон” қулай муҳит манбаига айланиб улгурган.

Хорижий тадқиқотчиларнинг таҳлилларига кўра, дин ниқоби остидаги экстремистик ва террористик ташкилотларнинг бузғунчи мазмундаги ахборотларини ёритишга имкон берадиган кибер маконда қуйидаги фаолият турлари мавжуд:

Интернет ҳамжамиятига ахборот-психологик хужумларни амалга ошириш;

экстремистик ташкилотларнинг мақсадлари ва зўравонликларини оқлайдиган экстремистик тушунчаларни тарғиб қилиш;

бутун дунё бўйлаб виртуал экстремистлар тармоғини яратиш;

террористик ва экстремистик ҳаракатларни содир этиш ҳаракатларини аниқ иштирокчилар томонидан режалаштириш ва мувофиқлаштириш;

режалаштирилган қўпурувчиликлар ва актларнинг объектлари тўғрисида маълумот тўплаш;

ҳукумат веб-сайтларига ва халқаро Интернет-ресурсларга хакерлик хужумларини амалга ошириш;



экстремистик ва террористик фаолиятни ўтказиш техникаси ва усуллари ҳамда аҳолини оммавий қирғин қилиш воситалари тўғрисида мавжуд маълумотларни ишлаб чиқариш бўйича тавсияларни жойлаштириш;

экстремистик ва террористик ташкилот фаолиятини молиялаштиришнинг турли шакллари ташкиллаштириш ва кўшимча маблағларни жалб қилиш;

- хайрихоҳларни аниқлаш ва ташкилотга янги аъзоларни жалб қилиш.

Мана шундай таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам диний экстремистик ғояларнинг ижтимоий тармоқлар орқали тарқалишига қарши кураш борасида катта тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12-мартдаги ҳал қилув қарорига кўра экстремистик ва террористик деб топилган саҳифалар, каналлар ва номлар рўйхатини эълон қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш суд тартибда амалга оширилади. Ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади. Қайси ташкилотларга нисбатан суднинг уларни экстремистик ташкилот деб топиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлса, ўша ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланади.

Шунингдек, мазкур моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, тайёрланадиган, сақланадиган, тарқатиладиган ва намойиш этиладиган, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ёки телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиладиган ва намойиш этиладиган материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экстремистик материаллар деб топилади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12-мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, интернет жаҳон ахборот тармоғининг “najat.info” ва “hizb-uzbekiston.info” веб-сайтлари ҳамда “Facebook”, “Youtube” ва “Telegram” ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқлардаги номлари 2-иловада



келтирилган профиль, канал ва саҳифалари экстремистик ва террористик деб топилди.

Ҳозирда дунё аҳолиси асосан 8 та ижтимоий тармоқ платформаларида ўзларининг кунлик 144 дақиқа (деярли 2.5 соат) вақтларини сарфламоқдалар. Агар барча фойдаланувчиларнинг ижтимоий тармоқларда кетказган вақтини қўшиб чиқадиган бўлсак, тахминан ҳар куни 10 млн соат дунё бўйича сарфланаётганини гувоҳи бўламиз, бу тақрибан 1 млн йил дегани.

Маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 4.5 млрддан ортиғи Интернетдан фойдаланади. Шундан ижтимоий тармоқларнинг аудиторияси 3.8 млрдни ташкил этган, олимлар томонидан бу кўрсаткич 2025 йилга келиб, 4.41 млрдни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Facebook ижтимоий тармоғида ҳар куни 100 млрддан ортиқ хабарлар алмашилинадиди ва 1 млрд изоҳлар қолдирилади.

Бугунги кунда Facebook ижтимоий тармоғи дунёдаги энг кўп умумий 4.2 млрд фойдаланувчиларига эга тармоқ ҳисобланмоқда, шундан 4.1 млрд аҳоли ўзларининг мобил қурилмалари орқали фойдаланади. Айни дамда Facebookнинг ойлик фаол фойдаланувчилари сони 2.74 млрдни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, компания аллақачон аудиторияси сони 1 млрддан ошиб кетган дунёдаги 4 та катта ижтимоий тармоқларга ҳам эгаллик қилмоқда, булар, Facebook (core платформаси), WhatsApp, Facebook Messenger, and Instagram. Шунингдек, Facebook core платформасининг ўзида 3.3 млрд фаол фойдаланувчилар мавжуд.

Шу сабабли, дин ниқоби остидаги экстремистик тузилмалар ўз тарғиботларининг катта қисмини айнан ижтимоий тармоқларда амалга оширмоқда. Ўзбек сегменти учун ҳозирда номлари яхши таниш бўлган ва ижтимоий тармоқларда Абдуллоҳ Зуфар, Абу Салоҳ, Содиқ Самарқандий, Полвон Новқатлик каби тахаллуслар остида Ислом динига ёт радикал мафкураларини тарғиб қилиб келмоқда. Бу шахсларнинг Facebook, Instagram, Twitter, Одноклассники.ру ва Youtube ижтимоий тармоқларида ўз саҳифалари мавжуд бўлиб, муқаддас Ислом дини томонидан қораланадиган бузғунчи ғояларни ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари орасида тарқатиб келадилар.

Хусусан, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек тилида сўзлашадиган контингенти учун “жиҳод” ғояларини кенг тарғиб қилиб келаятган “ғоявий раҳнамо”лардан бири Абу Салоҳдир. Унинг барча ижтимоий тармоқларда саҳифалари мавжуд бўлиб, асосан Ироқ ва Сурия ҳудудларига “ҳижрат” қилишни, кофирларга қарши “жиҳод” қилишни тарғиб қилиб келади. У “тавҳид ва жиҳод” катибаси экстремистик ташкилотининг асосчиси ва айни дамдаги “амири” ҳисобланади. Facebookда унинг “Абу салоҳ дарсликлари” деб номланган саҳифаси бўлиб, бир неча юзлаб обуначиларига эга.

Экстремистик ва террористик сайтларнинг таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар одатда, ташкилотнинг яратилиш тарихи асосчилари, раҳбарларининг автобиографияларини тавсифлайдилар ёки улар томонидан



содир этилган муҳим воқеалар, жанг майдонидан лавҳаларни жойлаштирадилар ва бу ҳаракатлардан кўзланган сийсий-мафкуравий мақсадларини баён қиладилар.

Шунингдек, уларнинг таниқли кишилар ва жамоат арбоблари билан ижтимоий ва сиёсий алоқалар ва ташкилотнинг муваффақияти тўғрисида янгиликларнинг ҳисоботлари ҳамда ўзлари учун рақиб саналганларга нисбатан мурасасиз танқидларини ҳам жойлаштирилиб борадилар. Тобора ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари кўпайиб бораётган шароитда дин ниқоби остидаги экстремистик тузилмаларнинг медиа макондаги фаолиятининг чуқурлашиб бораётгани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг хавотирларига сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий тармоқларнинг демографик кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинганда, барча йирик ижтимоий тармоқларда аёллар аудиторияси устунлик қилаётгани намоён бўлди. Хусусан, Инстаграм ижтимоий тармоғининг аёл фойдаланувчилари умумий аудиториянинг деярли 70 фоизини ташкил қилади. Энг дастлабки ижтимоий тармоқлардан ҳисобланган “Мой мир” фойдаланувчиларининг 72 фоизини 35 ёшдан катта фойдаланувчилар ва энг ёши “Vkontakte” аудиториясининг 75 фоизини 35 ёшгача бўлган фойдаланувчилар ташкил этади

Манбаларда қайд этилишича, ҳозирги пайтда Интернетда эътиқоди суст, етарлича чуқур билимга эга бўлмаган ёшларни йўлдан урушга мўлжалланган махсус усуллар жуда кўп. Улардан бири “Аёл муаллиф” технологияси деб аталади. Аёл киши образидаги суҳбатдош иккита ишни амалга оширади:

1. Аудитория билан бевосита алоқага чиқади;
2. Аудиторияда сунъий «раҳм-шафқат» ҳиссини уйғотади.

Бу аёлнинг ортида турувчилар.

1. Бузғунчи ғоя эгалари;
2. Экстремистик гуруҳлар.

Уларнинг ортида эса:

1. Сиёсий кучлар;
2. Ҳомийлар маблағи туради;

Юқоридагилардан кўриш мумкинки бунги кунда диний экстремистик ташкилотлар интернет маконида фуқароларимизни турли ёт ғояларга даъват қилиб уларни экстремистик ташкилотлар сафига қўшишга уринмоқда.

Бу борада мамлакатимиз диний экстремистик ғояларнинг тарқалишига қарши курашишда давлат дастурларига мувофиқ бир қанча устувор йўналишлар белгиланиб, катта чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Биринчидан, диний экстремизм, мутаассиблик ва терроризмнинг асл мақсади ва мазмун-моҳиятини жамиятга очиб берувчи тарғибот ишларини янада такомиллаштириш;



Иккинчидан, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган тинчликни сақлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган турли илмий-амалий анжуманларда Ўзбекистон уламоларининг иштирокини таъминлаш;

Учинчидан, диний экстремизм, терроризм ва мутаассибликни тарғиб қилувчи ғояларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Тўртинчидан, миллий кибермаконда диний экстремистик ғояларнинг тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва киберхавфсизликнинг ягона тизимини ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий базани шакллантириш;

Бешинчидан, масжидлардаги имомлар ҳанафий мазҳабига биноан Қуръон ва пайғамбар (с.а.в) ҳадисларини шарҳлаб одамлар онгига етказиб берадилар. Ваъзларида улар Ислонинг аркону-аҳкомларини, ҳаётини муаммолар билан боғлиқ муаммоларга муносабатини тушунтирадилар ва аниқликлар киритадилар. Биз биламизки, қадимги даврлардан бошлаб фақат юқори маълумотли олимлар-илоҳиётшуносларгина Ислонинг оддий одамлар учун нисбатан мураккаб ақидаларини тўғри талқин қила олишган. Дарҳақиқат, Қуръонни ўрганиш асрлар давомида ислом олимлари (шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган) томонидан йиғилган ва уламолар томонидан шарҳлаб берилган чуқур билимларни талаб қилади.

Олтинчидан, ДЭТ ва ХТТ фаолиятига қатъиян тақиқ жорий этиш (жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш), шунингдек диний экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи адабиётлар ва бошқа материалларни (шу жумладан видео ва аудио) тарқатилишини олдини олиш.

Еттинчидан. Ўзбекистонда бир неча ўн йиллар давомида ўзига хос ўқув мактаби – ўрта ва олий диний таълим муассасалари, жумладан, муфтийлар, имом-хатиблар, ислом уламолари ва илоҳиётшунослар тайёрлаш учун Халқаро ислом академияси ташкил этилган. Мамлакат ичида бундай кадрларни тайёрлаш ислом илми асосларини чет элда ўрганишни истаган кишиларни ҳанафий мазҳабига бегона бўлган салафийлик ғояларини сингдирадиган араб мамлакатларига юбориш заруриятини бартараф қилиши жуда муҳимдир.

Хулоса ўрнида, бугунги кунда юртимизда дин ниқоби остидаги экстремистик тузилмаларнинг Интернет тармоқларидаги бузғунчи мафкураларига қарши кураш чора-тадбирлари босқичма-босқич тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда. Жамият аъзоларини, айниқса ёшларни диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш мақсадида “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида иш юритиш ҳозирги замон талабига айланмоқда.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. “Lex.uz”, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. “Lex.uz”, 2021.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 2005.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. “Lex.uz”, 2021.
5. Ўзбекистон Республикасининг 22.09.1994 йилдаги 2012-XII сон Қонуни билан тасдиқланган Жиноят кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг 22.09.1994 йилдаги 2015-XII сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.
7. Буткевич С.А. Экстремизм и терроризм в киберпространстве: выявление, нейтрализация и предупреждение. Краснодар, Россия, 2018.
8. Очилдиев А. Диний экстремизм ва терроризмга ыарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. - Тошкент, Тошкент ислом университети, 2013.
9. Бакулев Г. П. Массовая коммуникация: Западные теории и концепции. – М: Аспект Пресс, 2005. – С. 176.
10. Экстремизм ва Терроризи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 115б А.К.Закурлаев
11. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлаш гаровидир Received: 17th January 2023 Accepted: 27th January 2023 Online: 28th January 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709> 190-194 А.Закурлаев
12. Ғафуров У. Глобаллашув шароитида ёшларни дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидлардан асрашда интернетдан самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари // “Армия – давлат таянчи, тинчлик кафолати”. – Т.: 2013. – Б. 246.
13. Ж.Мелиқўзиев. Ҳалокат тузоғи. (тўлдирилган, қайта ишланган нашр): - Т.: Тошкент ислом университети, 2013.
14. Сағдиев Ҳ. Ахборот истеъмоли маданияти фанининг ўқув услубий мажмуаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Ислом цивилизациясини ўрганиш Isesco кафедраси, 2017.
15. Якубова С.З. Феномен экстремизма в аспекте трансформаций общественного религиозного сознания. Ставрополь. Дагестанский государственный университет, 2017.